

ИЖТИМОЙТАДҚИҚОТЛАРЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛСОЦИАЛЬНЫХИССЛЕДОВАНИЙ
JOURNALOFSOCIALSTUDIES

Толипов Абдугаффор Абдунаби ўғли

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институт кафедра бошлигининг ўринбосари

ЁШЛАР ХУЛҚ-АТВОРИНИ БЕЛГИЛАШДА АКСИОЛОГИК ЁНДАШУВНИНГ
АҲАМИЯТИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2019-5-9>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ёшларнинг онги, дунёқараши ва хулқ-атворида юз бераётган ўзгаришларга аксиологик йўналиш асосида ёндашилган. Шунингдек, ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёнида қадриятлар тизимининг ҳал этувчи роли кўрсатиб берилган.

Таянч сўзлар: ёшлар, қадрият, хулқ-атвор, жиноят, девиант, жамият, вояга етмаганлар, оила, ҳуқуқбузарликлар, ўсмирлар, ижтимоийлашув, ижтимоий-ҳуқуқий.

Талипов Абдугаффор Абдунабиевич

Заместитель начальника кафедры военно-технического
института Национальной гвардии

ЗНАЧЕНИЕ АКСИОЛОГИЧЕСКОГО ПОДХОДА В ОПРЕДЕЛЕНИИ
ПОВЕДЕНИЯ МОЛОДЕЖИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе аксиологического подхода рассматриваются изменениям в сознании, мировоззрении и поведении молодежи. Также была продемонстрирована роль системы ценностей в процессе социализации молодежи.

Ключовие слова: Молодежь, ценности, поведение, преступность, девиантность, общество, несовершеннолетние, семья, правонарушения, подростки, социализация, социально-правовые.

Tolipov Abdugaffar Abdunabievich

Deputy head of the Department of Military-technical
Institute of National guard

THE IMPORTANCE OF AN AXIOLOGICAL APPROACH IN DETERMINING THE
BEHAVIOR OF YOUNG PEOPLE

ANNOTATION

Changes in consciousness, outlook and behavior of youth are considered on the basis of axiological approach in this article. The role of the value system in the process of youth socialization was also demonstrated.

Keywords: Youth, values, behavior, crime, deviant, society, minors, family, lawlessness, teenagers, socialization, socio-legal.

Forcitation: Tolipov Abdugaffar. The importance of an axiological approach in determining the behavior of young people. International Journal of Social Studies. 2019, vol. 1, issue 5, pp. 64-68

Инсон ўз хулқ-атвори тизимини белгилашда ўзининг қадриятлар борасидаги тасаввури (хабардорлиги)га таянади, зеро ушбу қадриятлардан бири бошқасидан юқорироқ бўлса, уларга устунлик берилади, бу эса ўз навбатида, мақсад ва воситаларни танлаш ва уларга эришиш ва хулқ-атвор мотивациясига таъсир кўрсатади. Қадриятлар таъсири шу жумладан криминологлар томонидан ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатини белгилловчи омил сифатида эътироф этилади. Ўзбекистонлик олимлар ҳам қадриятларни ижтимоий-тарихий ва маданий категория сифатида қараб, уларга "инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалардир"[1,-Б. 280], деб таъриф берадилар. В.Н.Кудрявцев таҳрири остидаги криминология бўйича дарсликда қадриятларга оид хабардорликлар, эҳтиёжлар манфаатлар, иштиёқлар, эмоциялар - бу шахснинг ички компонентлари бўлиб, унинг таъсирида шу жумладан жиноят мотивининг ҳам шаклланиши эътироф этилади[2, - Б. 237].

Ўз навбатида, қадриятларнинг устуворлик қилувчи патерналистик тизими йўқ бўлса (жумладан, Собиқ Иттифоқда коммунистик тарбия назарияси бўлган), жамиятда мавжуд ижтимоий маъқулланувчи, анъанавий тан олинувчи ижобий маданий қурилмалар ва турли субмаданий тамойиллар ўртасида ихтилоф муқаррар. Бунинг натижаси ўлароқ - барқарор бўлмаганлиги учун нормалардан бош тортиш, табиийки аниқ, қатъий идрок этишнинг мумкин эмаслиги муқаррар. Бироқ таъкидлаш жоиз, ижтимоийлаштириш - унинг маданий стереотипларининг барқарорлигидан қатъий назар, ҳар қандай социумда объектив равишда рўй берувчи жараёндир. Барқарорлик омили фақатгина ахлоқий нормалар ва бошқа қадриятларнинг йўналганлик ва идрок этиш даражасини белгилаб беради. Шу боисдан ҳам М.Бекмуродов "анъана ва урф-одатлар қайси ҳудудда кучли таъсирга эга бўлса, ана шу жойларда жиноятчилик ва тартиббузарлик ҳолатларининг камлиги кузатишган"лигини маълум қилади[3].

Шундай қилиб, девиант (оғувчан) хулқ-атворнинг юксалувчи динамикаси ҳуқуқий-маданий қадриятлар ва ахлоқ нормалари тизими орқали мафкуравий жиҳатдан қатъий белгиланмаган ва беқарор жамиятдаги ижтимоийлаштириш натижаси саналади. Мисол учун, бугун глобаллашув жараёни оқибати ўлароқ, мавжуд стереотип ва қадриятларнинг шиддат билан қадрсизланиши ва янгиларининг шаклланиши цикли тобора қисқариб бормоқда. Оқибатда миллионлаб кишилар бир неча хил қадриятлар тизими ораллигида, эътиқод қўйган қадриятларнинг қадрсизланиши шароитида ўз маънавий-руҳий ўзлигини қайта ва қайта кашф этишдек руҳий азоблар гирдобига қолмоқда. Мазкур жараён маънавий-руҳий бегоналашув тенденциясининг авж олишига, алал-оқибат, ўз миллий қиёфасидан маҳрум, девиант хулқ-атворга мойил жамоаларнинг шаклланишига замин ҳозирламоқда. Мазкур ҳолат ҳам жамиятдаги миллий муносабатлар барқарорлигига жиддий хавф тугдириши муқаррар. Таъсир этишнинг нозик ва қудратли қуролига айланган реклама, мода каби воситаларнинг миллат онгига, айниқса ёшларга салбий таъсири ҳар қадамда кўзга ташланмоқда. Графития, татуировка каби девиант хулқ-атворнинг субъектларига ёшларнинг тақлиди ва қўшилишиб жазавога тушуши маънавий қарамликдан далолат

бермайди? Қолаверса, кейинги пайтларда баъзи ёшларимизнинг хорижий мамлакатларнинг, давлат байроқлари тушурилган ёки уларнинг номлари ёзилган кўйлақлари кийиб юришлари оммавийлашиб кетаётганлиги кўзга ташланмоқда. Айниқса, уларнинг кўпчилиги ўқув даргоҳларининг ўқувчиси ёки талабаларини ташкил қилаётганлиги кишини ажаблантиради. Чунки мамлакатимизнинг таълим тизимида асосий эътибор, ёшларда миллий гурур, ифтихор, Ватанпарварлик каби туйғуларни уйғотишга қаратилган[4, -Б.166]. Бу каби ҳолатларда ёшлар билиб-билмасдан ўша мамлакат турмуш тарзини оммавийлаштириб юборади. Бу ёзувлар орқали инсон қалбига, онгига, маънавий қиёфасига ўша мамлакатларнинг ҳаёти, кийиниши, турмуш тарзи, одоб-ахлоқи, анъана ва қадриятлари сингиб кетади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Табиийки, "оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гоъларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўлпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймади"[5, - Б. 117].

Ижтимоий маданий нормалар ва алоҳида субмаданиятлар ўртасидаги зиддиятлар мажмуини девиантоген омил сифатида таснифловчи америкалик социолог Т.Селлин ушбу назариянинг тарафдори эди[6]. Тадқиқ қилинаётган ушбу мавзуга мос равишда, криминал субмаданият борасида сўз юритилмоқда. Яна бир америкалик олим Э.Сазерленд "жиноятчи бўлиб туғилмайдилар, балки индивид (ўсмир)нинг унинг учун рефрент бўлган гуруҳ - субмаданий жиноят ташувчилари аъзолари билан доимий мулоқот қилиш жараёнида жиноятчига айландилар", дея тахмин қилар экан, девиант хулқ-атворни изоҳлаш учун дифференциялашган ассоциация тушунчасини киритди[7].

Социал гуруҳлар асосий ижтимоий қадриятларга нисбатан турлича муносабатда бўлиши мумкин. Уларнинг фаолияти социал йўналтирилган (ишлаб чиқариш, ўқув, соцо-маданий ва б.), асоциал - фақатгина шу гуруҳ аъзоларининг манфаатларини қондиришга йўналтирилган (хиппи, рокерлар ва б.) ва антисоциал - жиноий гуруҳларга фарқланади. Антисоциал гуруҳнинг фаолияти эса ўта қатъий қонунларга, хусусан жисмоний кучга таянган ҳолда амалга оширилади. Криминал, антисоциал гуруҳлар социал ижобий йўналтирилган гуруҳларга нисбатан тубдан фарқ қиладиган ташкилотга эга бўлади. Гуруҳнинг асосий хусусияти - унинг ҳажмида намоён бўлади. Чунки айнан гуруҳга аъзо бўлган кишиларнинг сони ундаги метёр ва қадриятлар, фаолият мазмуни, роллар тақсимои ва бошқаларга бевосита таъсир ўтказди. Бу жараёнда ахлоқ, хулқ-одоб қоидалари ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. "Қадимдан то бизнинг давримизгача, - деб кўрсатади Х.Алиқулов, - ахлоқ, хулқ-одоб қоидалари ва тушунчалари ўзгариб, турли мазмун касб этган. Ахлоқий таълимотлар, фикр ва гоълар қаршилиқ ва тўсиқликларга учраб, диалектика тамойиллари асосида тараққий этиб келган. Ахлоқ ривожланишининг ҳамма даврларида асосий мезон бўлиб яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик ва бошқалар хизмат қилган. Вақт ва замонлар ўтиши, бир тузумнинг иккинчиси билан алмашинуви, кишилар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар ўзгариши билан яхшилик ва ёмонликнинг моҳияти ҳам ўзгариб, бири иккинчисини инкор қилган, баъзида яхшилик ёмонликка айланган ва аксинча. Масалан, канибализм

ва оилавий муносабатларни олайлик. Қадимги даврда одамхўрлик табиий ҳолат ҳисобланиб, инсонлар эҳтиёжи ва заруратидан пайдо бўлган бўлса, кейинчалик жамиятнинг моддий шароити яхшиланиб боргани сари у ахлоқсизлик деб ҳисоблана бошланди"[8,- Б.11].

Ижтимоий назорат назариясининг кенгайтирилган шакли америкалик социологлар - Э.Росс ва Р.Парк томонидан ишлаб чиқилган. Росс томонидан бир томондан ижтимоий барқарорликни таъминлашга эришиш усуллари қидириш ва ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган бўлса, иккинчи томондан эса у индивидуал эркинлик масаласини илгари суради. У энг аввало ижтимоий қадриятларнинг интернализацияси шароитида ички маънавий ва ижтимоий назорат талаб қилинишини таъкидлайди. Бироқ, бир вақтнинг ўзида барча ташқи сиёсий назоратнинг ортиб боровчи аҳамиятини ҳам тан олади ва мақсадга йўналтирилган тарбия, дин, жамоатчилик фикри, ижтимоий ва ҳуқуқий чеклашлар кўринишидаги ҳолатларга таянишни ёритиб беради[9, -С.336]. Шунингдек, Э.Росс фикрича, ижтимоий тартиб узоқ тарихий ривожланиш жараёни маҳсулоти сифатида юзага келиб, фақатгина хусусийликка (энг аввало - шахсий) бўлган умумхурмат асосидагина ушбу ҳолатга эришиш мумкинлиги таъкидланади[10,-Р.112.]. Бу борада З.Безжинский шундай ёзади: "Рим қонунлари, Англия парламент партиявий демократияни, Франция маданият ва республика национализмни, замонавий Қўшма штатлар эса илмий-техникавий новациялар ва оммавий маданиятни экспорт қилган..."[11, - С. 127].

Г.В.Пушкаревнинг фикрича, криминал субмаданият, замонавий ёшларни ижтимоийлаштиришнинг яна бир ағенти сифатида бирмунча ранг-баранг ва таъсирчандир[12,-С. 34]. В.Ф. Пирожков эса ўзининг "Ёшлар жиноий оламининг қонунлари" номли китобида криминал субмаданиятни объектив воқелик сифатида, инсонлар хулқ-атворида тоталитар усулларда таъсир ўтказишда ёрқин ифодаланувчи оддий ўсмир-ёшларнинг асоциал ва криминал мазмундаги субмаданиятидан фарқ қилувчи муайян ижтимоий институт сифатида, ўрганайди[12, - Б.12-13]. Яъни, криминал субмаданият ижтимоийликка зид интилишдаги инсонлар ҳамжамияти қадриятлар тизимининг негизи бўла туриб, ижтимоий маъқул топилган маданий ва ҳуқуқий нормалар билан ихтилофга киришади.

Хуллас, бугунги кунда ёт гоёларни ёшлар онгига сингдириш воситалари купайиб бормоқда. Жумладан, сўнги пайтларда кўпайиб кетган турли клублар, дискотека ва кафеларнинг фаолияти ҳам бундай гоёларни тарғиб этишга йўналтирилиши мумкин. Бундай муассасалар одатда ўз фаолиятини тижорат асосида амалга ошираётганликлари учун ҳам уларнинг мақсади, табиийки, фақат даромад олишдан иборат бўлиб, бу каби масканларда тадбирларнинг мазмунига ва тарбиявий жиҳатларига умуман эътибор берилмайди. Шунингдек, бу каби кўнгил очар жойларда кўпинча спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва наркотик моддаларни тарқатиш манбалари эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бу каби бизнинг миллий анъана ва қадриятларимизга бегона бўлган турмуш тарзи ёшлар характерида кириб келмоқда. Шунинг учун, ўсмирлар тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйиш улар хулқининг маънавий жиҳатларини айниб кетишига, уларни келажакни барбод қилишга олиб келиши мумкин. Ўсмирларнинг девиант хулқи баъзан эпидемия каби салбий нуқсонларни ўзлаштирамоқда (айниқса, бу алкоголизм ва наркоманияга берилишда яққол кўринмоқда).

Фодаланган адабиётлар:

1. Қадриятлар // Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп лугат. -Т.: Шарқ, 1998. - Б. 280.
2. Криминология: учебник / под ред. В.Н. Кудрявцева, В.Е. Эминова. 3-е изд., перераб. и доп. - М.:Юристъ, 2004. -С. 237.
3. Бекмуродов М. Қонун ва жамоатчилик фикри // Қонун ҳимоясида, - №8, 1997.
4. Отамуротов С. Глобаллашув ва миллат .-Т.: Янги аср авлоди, 2008. -Б.166.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. - 117 б.
6. Sellin T. Culture conflict and crime. -N.Y., 1938.
7. Sutherland E. Principles of criminologi. -N. Y, 1939.
8. Алиқулов Х. Фалсафий меърос ва маънавий-ахлоқий фикр ривожи. - Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. - 11 б.
9. Foundation Of Sociology. - N.Y., 1920; Social Control. - N.Y., 1928. Социальная психология. Пойми себя, чтобы понять других! (серия "Главный учебник"). - СПб.: прайм ЕВРОЗНАК, 2002. - 336 с.
10. Brzezinski Z. Between tow Ages: America's Role in the TehnitroneEra. - Washington, 1985, - P. 112.
11. Общая социология: учеб.пособие / под общ. ред. А.Г Эфендиева. - М.: ИНФРА, 2002. - С. 127.
12. Пирожков В.Ф. Законы преступного мира молодежи (криминальная субкультура). -Тверь: Приз, 1994. -С. 34.
13. Туленов Ж., Жабборов И. Тарихийонгниривожлантириш-даврталаби. - Тошкент: Меҳнат, 2000. - 12-13 б.